

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил 30 сентябрдаги
34 - сон қарорига
ИЛОВА

Соғлиқни сақлаш статистикаси бўйича услубий низом

I. Умумий қоидалар

Соғлиқни сақлаш статистикаси бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом деб юритилади) Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида статистик ҳисобни юритилишини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Услубий низомда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат статистика кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, маълумотлар манбалари, расмий статистик кўрсаткичларни шакллантириш учун қўлланиладиган таснифлар, асосий тушунчалар, атамалар ва уларнинг таърифлари, алоҳида статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва расмий статистик ахборотни тарқатиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мазкур Услубий низом давлат статистика органлари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низомни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш соҳаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, МДХ Статистика қўмитасининг тавсиялари, шунингдек МДХ давлатлари тажрибаларидан фойдаланилди.

II. Асосий тушунчалар, атамалар ва уларнинг таърифлари

Соғлиқни сақлаш статистикаси – соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг миқдорий хусусиятларини (соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи, уларнинг ҳолати ва таъминланганлиги, тиббий ходимлар), аҳолининг умумий саломатлик ҳолати ва унинг алоҳида контингентларининг миқдорий хусусиятлари, таркиби, касалланиш частотаси ва тарқалишини ўрганувчи статистика тармоғи ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш статистикасининг асосий вазифаси фойдаланувчиларга соғлиқни сақлашнинг ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи ишончли расмий статистик маълумотларни ўз вақтида тақдим этишдан иборат.

Соғлиқни сақлаш статистикаси соғлиқни сақлаш тармоқлари, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ходимлари, беморларнинг касалхонага ётқизилиши, тиббий ёрдам кўрсатилиши, соғлиқни сақлаш ресурслари, аҳолининг касалланиш, ногиронлигини қамраб олади, ҳамда ўзаро боғлиқ бўлган давлат статистик кузатувлари ва идоравий маълумотлар тизими билан ифодаланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос мавзуга ва статистик кузатув бирликларини шакллантириш хусусиятларига эга.

Соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғи (мулкчилик шаклидан қатъий назар) шифохона ва амбулатор поликлиника муассасалар, шошилиш тиббий ёрдам муассасалар, оналар ва болалар муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, санитария-эпидемиология станциялари, тиббий санитария қисмлари ва солиқни сақлаш тизимидаги бошқа муассасаларни қамраб олади.

Шифохона муассасалари (стационар тиббиёт муассасалари) — кеча-кундуз даволаниш, парвариш қилиш ва тиббий-химоя муолажасига муҳтож беморларга тиббий-диагностик ёрдам кўрсатувчи ташкилот.

Шифохона муассасалари ётқизилган беморларга тиббий хизмат кўрсатади. Буларга шифохоналар, тиббий санитария қисмлари, стационар диспансерлар ва беморлар кеча-кундуз ўринлар билан таъминланган бошқа муассасалар киради. Шифохона муассасаларида зарурий анжомлар билан жиҳозланган ва банд бўлиши ёки банд бўлмаслигидан қатъий назар беморларни қабул қилиш учун тайёр турган шифохона ўринлари ҳисобга олинади.

Амбулатор-поликлиника муассасалари (амбулатор типдаги тиббиёт муассасалари) — кеча-кундуз назоратга муҳтож бўлмаган беморларга тиббий-диагностик ёрдам кўрсатадиган ташкилот ҳисобланади. Амбулатор-поликлиника муассасаларига уй шароитида ҳамда ушбу муассасаларга қатнаётган аҳолига даволаш-профилактика ёрдами кўрсатишга мўлжалланган барча (поликлиникалар, амбулаториялар, диспансерлар, шифохоналар қошидаги поликлиника бўлимлари, тиббий санитария қисмлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мустақил врачлик тиббиёт пунктлари, аёллар маслаҳатхоналари ва бошқлар) тиббиёт муассасалари киради.

Амбулатория-поликлиника муассасаларида сменада максимал қатновлар (ташрифлар) сони ҳисобга олинади. Амбулатория-поликлиника муассасаларининг режалаштирилган қуввати деганда, унинг белгиланган бинолар, жиҳозлар, ходимлар, дори-дармон воситалари, транспорт воситалари

билан таъминланган, аҳолига амбулатория поликлиникаси ва поликлиниканинг белгиланган қабул соатига мос келадиган поликлиника хизматини кўрсатишга мўлжалланган бир сменада ташрифлар сони билан ифодаланган лойиҳалаш қуввати тушунилади.

"Амбулатория-поликлиника муассасалари қуввати" кўрсаткичи аҳолига ушбу турдаги ёрдам кўрсатиш даражасини аниқлаш, шунингдек, тегишли муассасаларда қўшимча эҳтиёжларни ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Нодавлат тиббий ташкилотлар — фаолияти лицензияланадиган, давлат соғлиқни сақлаш тизимига кирмайдиган ташкилотлар.

III. Касалланиш статистикаси

Аҳолининг касалланиши тўғрисидаги маълумотларини статистик қайд этиш учун Халқаро Касалликлар Таснифидан фойдаланилади, бу эса касалланиш тўғрисидаги маълумотларнинг таққосланишини таъминлайди.

Аҳолининг касалланиши – йил давомида даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда ёки профилактик кўрикдан ўтаётганда аниқланган (ёки диспансер кузатуви остига олинган) илк бор ташхис қўйилган беморлар сони билан изоҳланади.

Бирламчи касалланиш – биринчи марта ташхис қўйилган рўйхатга олинган беморлар сони, ҳаётларида биринчи марта касалликларнинг аниқ турларига ташхис қўйилган беморларнинг ҳисобот йили давомида аниқланган (ёки диспансер кузатувида олинган) ҳолатлар сони билан белгиланади.

Умумий касалланиш – аҳоли орасида йил давомида рўйхатдан ўтган беморларнинг умумий сони билан тавсифланади. Бунда биринчи марта ташхис қўйилган ва ушбу касаллик бўйича такрорий (кўп маротаба) даволанишда бўлган беморлар ҳисобга олинади.

Даволаш профилактика муассасаларида йил якунига кўра ҳисобда турган беморлар, амбулатор поликлиника муассасаларига ёрдам сўраб мурожаат қилган у ёки бу касалликларга чалинган барча беморлар сонининг йиғиндисини ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич йил охирига соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобга олинган беморларнинг, йил охиридаги аҳоли сонига нисбати сифатида ҳисобланади.

Аҳолининг 100 000 кишига нисбатан касалланиш даражаси, бу бирламчи касалланиш билан ташхис қўйилган беморлар сонининг доимий аҳолининг ўртача йиллик сонига нисбатини ифодалайди.

Аҳолини касалланиши билан боғлиқ статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқаришда Халқаро Касалликлар Таснифи қўлланилади. **Х** қайта кўрилган нашр (1989 йил).

Барча мутахассисликлар бўйича шифокорлар сони, йил якунига кўра, тиббий, санитария ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, тиббиёт ходимларини тайёрлаш муассасалари, соғлиқни сақлаш органлари аппаратларида ва бошқа ташкилотларда банд бўлган олий тиббий маълумотга эга барча шифокорлар сонини ифода этади.

Ўрта тиббиёт ходимлари сони, соғлиқни сақлаш, санаторий-курорт муассасаларида, болалар уйларида ва бошқа муассасаларда ишлаётган ўрта махсус тиббий маълумотга эга (тиш шифокорлари ҳам қўшилади) барча мутахассисларнинг йил якунига кўра сони тушунилади.

Шифохона муассасаларидаги ўринлар сонига, ҳисобга олиш даврида беморлар томонидан банд бўлган ёки бўлмаслигидан қатъий назар, зарур ускуналар билан жиҳозланган ва беморларни қабул қилишга тайёр бўлган, йил охирида фойдаланишдаги ўринлар киради.

Беморнинг стационарда бўлишининг ўртача давомийлигини ҳисоблашда барча беморларнинг стационарда бўлишининг ўрин- кунини, стационарда даволаниб чиққан беморлар сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

Миллий эмлаш календари (Ўзбекистон Республикасида белгиланган муддатларда режали эмлаш схемаси) ўз ичига сил, полиомиелит, бўғма, кўкйўтал, қоқшол, қизамиқ, эпидемик паротитга қарши етгита асосий инфекцион касалликларга қарши эмлашни қамраб олади. Миллий эмлаш календарига мувофиқ бошланғич эмлаш (вакцинация) ва такрорий эмлаш (ревакцинация) курсларига ёш чегаралари белгиланган.

IV. Ногиронлик статистикаси

Ногиронлик — ҳаёт фаолиятининг чекланишига олиб келадиган ва уни ижтимоий муҳофаза қилиш зарурлигини тақозо этадиган касалликлар, жароҳат ёки нуқсонлар оқибатларидан келиб чиқадиган организм функциялари бузилишининг анча барқарор ифодаланган бузилишига эга бўлган инсон саломатлигининг бузилиши ногиронликни белгилаш учун мезон ҳисобланади.

Болаликдан ногиронлик — туғма ёки ҳаёт давомида олинган жароҳат, касаллик туфайли 18 ёшга етгунига қадар ногирон бўлиб қолган шахслар болаликдан ногиронлиги бўлган шахслар деб юритилади.

Тана функцияларининг бузилиш даражасига қараб ногирон деб эътироф этилган шахсларга ногиронлик гуруҳи белгиланади, 18 ёшга тўлмаган шахсларга эса "ногирон бола" тушунчаси қўлланилади.

Соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган улар тўғрисидаги Низом асосида ишловчи тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Бирламчи ва қайта ногиронлик – кўрикдан ўтувчи охириги тиббий кўрикда белгиланган ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатини йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошган муддатда ТМЭКга мурожаат қилса, мурожаат кўрик далолатномасида «бирламчи» деб, агарда ногиронлик (касбий меҳнат лаёқатининг йўқотилганлик даражаси) муддати тугаган кундан бошлаб беш йилдан ошмаган муддатда мурожаат қилса, «қайта» деб кўрсатилади.

Касаллик бўйича ногиронлик сабаблари тўғрисидаги маълумотларни статистик ҳисобини юритишда Касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ муаммолар Халқаро статистик таснифидан фойдаланилади.

Ногиронлиги бор шахсларнинг умумий сонига – ногиронлик бўйича ҳисобда турган ва пенсия ёки ижтимоий нафақа оладиган ногиронлиги бор шахслар киритилади.

Бирламчи ногиронлик даражаси бўйича нисбий кўрсаткични ҳисоблашда – биринчи маротаба ногирон деб топилган шахслар сонини, ўртача йиллик доимий 10 000 аҳолига нисбатан ҳисобланади.

V. Соғлиқни сақлаш бўйича нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари

“Аҳолининг 10 000 кишига тўғри келадиган шифокорлар, ҳамширалар билан таъминланганлиги”, “Битта шифокорга тўғри келадиган аҳоли сони”, “100 000 кишига нисбатан касалланиш даражаси”, “Бир кишига нисбатан қатновлар сони”, “10 000 аҳолига нисбатан бирламчи ногиронлик” кўрсаткичларини ҳисоблашда доимий аҳолининг йиллик ўртача сонидан фойдаланилади.

“10 000 аҳолига нисбатан шифохона ўринлари билан таъминланганлик”, “10 000 аҳолига нисбатан амбулатор-поликлиника муассасалари билан таъминланганлик” кўрсаткичларини ҳисоблашда доимий аҳолининг ҳисобот

йилидан кейинги йилнинг бошига умумий сони(йил якунига кўра)дан фойдаланилади.

Аҳолининг шифохона муассасалари билан таъминланганлиги қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг} \\ \text{шифохона} \\ \text{муассасалари билан} \\ \text{таъминланганлиги} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Шифохона ўринлари сони} \\ \text{Йил якунига кўра} \\ \text{доимий аҳоли сони} \end{array}}{\quad} \times 10\,000$$

Аҳолининг амбулатор поликлиника
муассасалари билан таъминланганлиги

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг} \\ \text{амбулатор} \\ \text{поликлиника} \\ \text{муассасалари билан} \\ \text{таъминланганлиги} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Амбулатор поликлиника} \\ \text{муассасалари қуввати} \\ \text{(бир сменадаги қатновлар сони)} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Йил якунига кўра} \\ \text{доимий аҳоли сони} \end{array}} \times 10\,000$$

Бир кишига нисбатан қатновлар сони

$$\begin{array}{l} \text{Бир кишига нисбатан} \\ \text{қатновлар сони} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Шифокорга қатновлар сони} \\ \text{Доимий аҳолининг} \\ \text{йиллик ўртача сони} \end{array}}{\quad}$$

Даврий тиббий кўрик қамрови

$$\begin{array}{l} \text{Даврий тиббий кўрик} \\ \text{қамрови} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Кўриқдан ўтказилган шахсларнинг} \\ \text{амалдаги сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Режа бўйича кўриқдан ўтказилиши} \\ \text{белгиланган шахслар сони} \end{array}} \times 10\,000$$

Аҳолининг диспансер кузатуви билан қамраб олинганлиги

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг} \\ \text{диспансер кузатуви} \\ \text{билан қамраб} \\ \text{олинганлиги} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Диспансер кузатувида} \\ \text{бўлган шахслар сони} \\ \text{(соғлом ва касаллар)} \\ \text{Доимий аҳолининг} \\ \text{йиллик ўртача сони} \end{array}}{\quad} \times 10\,000$$

Аҳолининг тиббиёт ходимлари билан таъминланганлиги

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг тиббиёт} \\ \text{ходимлари билан} \\ \text{таъминланганлиги} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Шифокорлар ёки ўрта тиббиёт} \\ \text{ходимлари сони} \\ \text{Йил якунига кўра} \\ \text{доимий аҳоли сони} \end{array}}{\quad} \times 10\,000$$

Аҳолининг ихтисослаштирилган тиббий ёрдам билан таъминланганлиги, тегишли жинс ва ёшдаги аҳоли сонига нисбатан ҳисобланади:

- аёлларнинг гинекологик ўринлар ва акушер–гинеколог шифокорлар билан таъминланганлиги – аёлларнинг умумий сонига нисбатан;
- аёлларнинг ҳомиладорлар ёки туғанлар учун ўринлар билан таъминланганлик – фертил ёшдаги (15-49 ёш) аёлларга нисбатан;
- болаларнинг болалар шифокорлари-педиатрлар ва болалар ўринлари билан таъминланганлиги – (0-14 ёшдаги) болаларга нисбатан;
- абортлар сони – фертил ёшдаги 1000 нафар аёлга нисбатан;
- абортлар сони - 100 та туғруққа нисбатан ҳисобланади.

Стационар фаолиятини тавсифлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

Госпитализация даражаси

$$\frac{\text{Йил давомида госпитализация қилинганлар сони}}{\text{Доимий аҳолининг йиллик ўртача сони}}$$

**Аҳолининг шифохона ўринлари
билан таъминланганлиги**

$$\begin{array}{l} \text{Аҳолининг} \\ \text{шифохона ўринлари} \\ \text{билан} \\ \text{таъминланганлиги} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Йил якунидаги} \\ \text{шифохона ўринлари сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Йил якунидаги} \\ \text{доимий аҳоли сони} \end{array}} \times 10\,000$$

**Шифохона ўринларининг ўртача фойдаланилганлиги
(банд бўлган, ишлатилган) куни**

$$\frac{\text{Беморлар томонидан ўтказилган ўрин-кунлар сони}}{\text{Ўринларнинг йиллик ўртача сони}}$$

**Беморларнинг шифохона ўринларида
ўртача бўлиш (кунлар сони) давомийлиги**

$$\frac{\text{Беморлар томонидан ўтказилган ўрин-кунлар сони}}{\text{Фойдаланилган беморлар сони ёки шифохонада} \\ \text{даволаниб чиққан беморлар сони (даволаниб чиққан, вафот этган)}}$$

Ўринлардан фойдаланиш

$$\begin{array}{l} \text{Ёки} \\ \text{Ўринлардан фойдаланилганликнинг ўртача куни} \end{array} = \frac{\text{Фойдаланилган беморлар сони}}{\text{Ўринларнинг йиллик ўртача сони}}$$

**Шифохона ўринларидан фойдаланилмаган
кунлар сони**

Шифохона ўринларининг ўртача банд бўлиши 365 кун

Ўринлардан фойдаланилмаган кунларнинг ўртача сони

365 - ўриннинг ўртача банд бўлган
кунлари сони

Ўринлар айланмаси
(фойдаланилганлик, оборот)

Аҳолининг касалланишини ҳисоблашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

Аҳолининг касалланиш даражаси

Аҳолининг
касалланиш
даражаси

=
$$\frac{\text{Бирламчи касалланиш аниқланган ёки
ташхиси билан ҳисобга олинган
беморлар сони}}{\text{Доимий аҳолининг
йиллик ўртача сони}} \times 100\,000$$

Беморлар контингенти

Беморлар
контингенти

=
$$\frac{\text{Йил якунига беморлар
ҳисобида (рўйхатида) бўлганлар}}{\text{Йил якунидаги доимий аҳоли сони}} \times 100\,000$$

Касалланишнинг жинси ва ёш таркиби бўйича таҳлилларни юритишда тегишли аҳоли (аёллар ёки эркаклар, катталар, ўсмирлар ёки болалар) сонидан фойдаланилади.

Бирламчи ногиронлик

Бирламчи
ногиронлик

=
$$\frac{\text{Йил давомида биринчи маротаба
ногирон деб топилган шахслар сони}}{\text{Доимий аҳолининг
йиллик ўртача сони}} \times 100$$

Турли сабабларга кўра ногиронлик даражаси

$$\begin{array}{l} \text{Турли сабабларга} \\ \text{кўра ногиронлик} \\ \text{даражаси} \end{array} = \frac{\begin{array}{l} \text{Турли сабабларга кўра йил давомида} \\ \text{биринчи маротаба ногирон деб} \\ \text{топилган шахслар сони} \end{array}}{\begin{array}{l} \text{Доимий аҳолининг} \\ \text{йиллик ўртача сони} \end{array}} \times 10\,000$$

VI. Расмий статистик маълумотларни тарқатиш

Ҳар йили тасдиқланадиган статистика ишлар дастурига мувофиқ расмий статистик маълумотлар шаклланиб, қуйидаги шаклда тақсимланади:

“Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари” йиллик статистик бюллетени;

“Соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари” йиллик статистик бюллетени;

Хорижий давлатларнинг давлатлараро органларига тақдим этиладиган сўровномалари.

Бундан ташқари, расмий статистика маълумотлари қуйидаги шаклларда тарқатилади:

пресс-релизлар;

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси сайтида таҳлилий материаллар.

Расмий статистик маълумотлар фойдаланувчиларга, давлат статистика органлари томонидан шакллантириладиган расмий статистика маълумотларини тақдим этиш ва тарқатиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма сўровлари асосида ҳам тақдим этилади.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати

1. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 29.08.1996 й. ЎРҚ 265-І.
2. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун (янги таҳрир). 11.07.2008 й Тошкент ш. ЎРҚ-162.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 й. 21 июлдаги «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 405-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 25.07.2017 й. 97-буйруғи.
5. Халқаро Касалликлар Таснифи. Ўнинчи қайта нашр (КХТ-10) Русча-Ўзбекча нашр. Тошкент, 2004 й.
6. МДХ статистика қўмитасининг 19 – саволномаси «Статистика здравоохранения» (www.cisstat.org, раздел – методология, подраздел – статистические вопросники и методологические пояснения по заполнению вопросников).